

# ЛУҚМАГА ЛУҚМА

Реклама бизнинг турмуш тарзимизга нисбатан кеч кириб келди. Биз унга энди-энди кўникаялмиз, ўрганаёлмиз. Мен асосий муаммо ана шу ерда, деб биламан. Бир томондан, истеъмолчилар, яъни аҳолининг ҳамма қисми ҳам уни қабул қилиш ва тушунишга хали тайёр эмас, иккинчи томондан, хали ҳамма реклама агентликларини ҳам кам-кўстисиз иш-лашяпти, деб бўлмайди.

2-бет

# КАРЛ ПОППЕР ВА ПОППЕРИЗМ

К. Поппернинг Гегелга муносабати ўта салбийдир. Хатто у "буюк диалектик"нинг фуқаролик жамиятини тадқиқ этишга боб бағишлаган "Хуқук, бурч ва дин ҳақида таълимот" деб аталган асари борлигини тилга ҳам олмайди...

3-бет

# Профессор КОМИЛОВЛАР

— Ота-ўғил — профессор, отаси кўради, кузатади, ўғли жарроҳлик қилади, барака топсинлар, биринчи кўргандаёқ кўзинг очилади, дедилар. Одат бунча қария бир паст гапириб, уйкуга кетар, тез-тез бир томондан иккинчи томонга айланар, ҳар гап айланганда гапини эшитишга одам келиб қолганидан қаноат ҳосил қилиб: — Ота-ўғил профессорлар, — деб ўша гапларини такрорларди.

4-бет



# HURRIYAT

1996-yil dekabrдан chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@uzpak.uz № 10 (368) 2004-yil 10-mart

«HURRIYAT» sizniki, Siz HURRIYATniki бўлинг! Газетамизга 2004 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичи — 233

## Жараён

### САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Уни шакллантириш кимга ва нимага боғлиқ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йилгиликда давлатимиз раҳбари иқтисодий ва демократик ислохотлар йўлида тўсиқ бўлиб турган эски маъмурий буйруқбозлик ва тақсимлаш принциплари асосланган бошқарув тизimini ислох қилиш зарурлиги тўғрисида гапирганди. Айни шу ҳақдаги фикрлар ҳукуматнинг 2003 йил якунлари бўйича бўлиб ўтган йилгиликда ҳам давом эттирилди. Хўш, мавжуд бошқарув тизimini ислох қилиш жамиятимиз тарихининг бугунги босқичида нечоғли даражада аҳамият касб этади? Умуман, барча иллат ва эски асоратларни бартараф этишга қурб этилган бошқарувнинг самарали тизimini вужудга келтириш қандай омилларга боғлиқ? Мухбиримизнинг Наманган вилояти ҳокимлиги гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди Зоҳиджон ВОҲИДОВ билан қилган суҳбатда ана шу саволларга жавоб изланади.

— Зоҳиджон ака, биласиз, бугун ҳеч бир давлат аппаратида ёки мансабдор шахсга тобе бўлмаган, ўзидан ривожланиб борадиган бошқарувнинг самарали тизimini яратиш ҳусусида кўп гапирилмоқда, турли фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Қўзланган мақсадга эришиш, аниқроғи, бундай тизimini яратиш, Сиёзингча, қандай омилларга боғлиқ?

— Давлатчилик пайдо бўлибдики, ҳар қандай жамият аъзолари самарали бошқарув тизimini ҳақиқат эҳтиёжи сезиб келган. Негаки, иқтисодий тарққиёт ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари айнан самарали бошқарув тизimini орқали ҳал этилади. Шунинг учун ҳам, мураккабликдан сўнг ўтган давр ичда мамлакатимизда бозор иқтисодиёти таъминлашга жавоб берадиган энг зарур инфратузилмалар яратилди. Кўпгина давлат ва тармоқ кўмиталари қисқартирилди. Қатор вазирликлар корпорация, уюшма ва компанияларга айлантирилди. Совхоз ва колхозлар туғилиб, улар базасида ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлар пайдо бўлди. Лекин шунага қарамай, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг иш услуби амалда ўзгаришсиз қолди.

Шу ўринда «Нега?» деган ҳақли савол туғилиши табиий. Менимча, бунинг асосий сабабларидан бири бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг бошқарушига асосий усули давлатнинг бошқарувчилик функцияси эмас, балки мавжуд қонуний доирасида фаолият кўрсатишдан, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини тартибга солиштиришдан, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини оширишдан иборат эканлиги баъзи ҳолларда унутиб қўйилди. Натияжада турли туман бошқарув буйиқлари тузилди, уларнинг иқтисодий ва ҳўжалик фаолиятига аралашилари, гарчи бевосита ишлаб чиқариш билан шуғулланмасалар-да, тур-

## Огоҳлик

### 20-аср охирида жаҳонда юксак фан ва техника тараққиётига, маданият ва санъатни юксак ривожланишига эришган инсоният чегара ва миллат, ёш ва жинс танламайдиган терроризм, гнёҳвандлик, ОИТС, фоҳишабозлик каби иллатларга дучор бўлди. Ачинарли томони шундаки, бу иллатлар ўзга бир сайёрадан келган эмас. Балки айрим одамларнинг энгилтақлиги, оқибатларни ўйламаслиги боис содир бўлмоқдадир...

Эндиликда улар кўринмас даҳшатли чангалларини ҳар томонга ёзиб, ўз қурбонларининг ёқасига чанг солмоқдалар. Бу ҳам бир сари экан. Цивилизация юксалган бир даражада номи аллақачон тилимиздан ўчиб кетган, фақат эски қитъаларда, луғатларда учрайдиган яна бир иллат буй кўрсатиб қолдики, уни эшитганда даҳшат таажжубга, сўнг даҳшатга тушасан киши.

Бу иллат — одам савдосидир. Қулоққа жуда эриш ва ҳуқуқ эҳтилади бу жумла.

Одамфурушларнинг ўлжалари кимлар?

Турмуш муаммоларига дуч келиб қолгандан ундан оқилона қутилиш йўллари қидириш ўрнига осонлик билан пул топиш пайида бўлганлар; Чет элдаги ўзи кўрмаган, билмаган ҳаётга иштиёқи баландлар; Биров «юр» деса, ҳеч нарса ни уйламай-нетмай, ота-онанинг, яқинларининг эътирозларига қулоқ тут-

май, кўп ҳолларда тасодифан дуч келган «ақалон», «дўсти», «опақон», «дўгонаси»нинг кўрсатмасига қўра режасини сир тутган лақмалар...

Яқиннинг шўрвасидан кўра, узокнинг кўйруғини афзал кўрганлар одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг тайёр ўлжалари эканини турли газеталар, телерадио хабар-

«Ўлжа» эса дастлабки кўнларданок барча ҳўжатларидан ажралиб қолди, жисмоний ва маънавий зуравонлик, камситилиш, қўлдан-қўлга ўтиш, лекин пулнинг юзини кўрмаслиқ, соғлиқни йўқотиш, афсус-наҳдатлар чекиши каби кўрғиликлари бошидан кечираркан.

Ноқонуний равишда ўзга юртлардан бўлган, маблағсиз ва ҳўжатсиз қолган одамнинг ҳоли қандай кечини тасаввур қилинг-а? Ўзга юртда заррача ҳақ-ҳуқуқи, орқага қайтишга йўли, пули қолмаган одамнинг ҳоли у, ҳали бу ҳўжайиннинг қўлига ўтиб, шу ҳўжайинлар исталган тарзда кўн кечиридан ўзга чораси йўқ-да!

Одамнинг устига ҳудди муздек сув сепганда сескантиргандек бу аянчли мазмундаги гурун қиянда Термиз шаҳрида ўтказилган бир семинар-тренингда бўлди. Унинг мавзуси ҳам кўнгилагулғула солиди: «Одам савдоси...»

Уни Сурхондарё вилояти «Истикболли авлод» ёшлар маркази уюш-

тирди. Бу нодавлат нотижорат ташкилотига тadbиркор ва тиниб-тинчимас Ольга Ильмурадова раҳбарлик қилмоқда. У яқинда иш бошлаган бўлса-да, долзарб мавзудаги тadbирлари билан журналистларнинг, жамоатчиликнинг эътиборини қозонмоқда. У семинарларда чет мамлакатларда одам ўғирлаш, одам савдоси каби юз бераётган ноҳуш ҳолатлар ҳақида гапирар экан, воҳадшларимизни ҳўшёрликка, огоҳликка чақиради.

— Қонуларимиз юртдошларимизнинг хорижга чақириларига асло монелик қилмайди, — дейди Ольга Ильмурадова. — Аксинча, ишга, туристлик савҳатларига, ўқишга, тadbиркорлик ишлари билан шуғулланувчиларга барча имкониятлар яратилган. Фақат бу ишлар қонун талаблари асосида, пухта амалга оширилса, сиз ҳам, қабоб ҳам кўймайди. Хорижга бирор юмуш билан бормоқчи бўлган юртдошларимиз тасодифий «ҳомийлар», фирибгар, найрангбозларнинг ваъдаларига учиб ўрнига тегишли давлат идораларига мурожаат қилсалар, барча ҳўжатларни қонуний расмийлаштирсалар, сафарлари беҳатар бўлади, албатта. Акс ҳолда одамфурушларнинг тайёр ўлжасига айлиб қолди ҳеч гап эмас...

Шу ўринда «Ўзингга эҳтиёт бўл, ўзгани ўғри тутма», деган мақол ушбу мавзуга мос келади, чоғи. Яна нима ҳам дейиш мумкин.

Даврон ҒУЛОМОВ, Сурхондарё вилояти

## АДАШГАНЛАР

Улар кимлар ва мақсадлари нима?

ларидан хабардор бўлиб турибмиз. Уларда айтилишича, ҳўжатбарор ақалон ва опақонлар ўз тузоқларига илтиримоқчи бўлган «ўлжа»ликча номзодлари атрофида энг меҳрибон киши сифатида, аслида ёвуз ўргимчакдек айлинишаркан, тоғ-тоғ ваъдалар беришаркан. Бу ваъдалар асосан, «У ёқда мўмай пул топасан. Қисқа вақтда бойиб кетасан. Бунинг учун сендан малака ва маълумот талаб қилинмайди» каби лардан иборат бўларкан. Уларга ишонганларнинг эса ҳўжатларини осонгина «тўғрилаб» қўлларига анчагина пул ҳам беришаркан ва, албатта, йўл бошловчи бириктиришаркан. Чет элда қолган ишни бошқа «меҳрибон»лар амалга ошираркан.

га бориб, ихтиёри биронинг қўлида бўлган, маблағсиз ва ҳўжатсиз қолган одамнинг ҳоли қандай кечини тасаввур қилинг-а? Ўзга юртда заррача ҳақ-ҳуқуқи, орқага қайтишга йўли, пули қолмаган одамнинг ҳоли у, ҳали бу ҳўжайиннинг қўлига ўтиб, шу ҳўжайинлар исталган тарзда кўн кечиридан ўзга чораси йўқ-да!

## Юзма-юз

Ҳозирда Фаргона вилоятидаги Тошлоқ тумани Заркент қишлоғида яшайдиган Тошхон момо яқинда 101 ёшга кирди. Бу хабарни эшитиб Тошлоқ бордик. Газетамиз «Hurriyat»дан келдик, дедик.

## ТОШХОН МОМО 101 ГА КИРДИ

сирлари нимада, деган аниқ-анивий саволи бердик. Момо бир дам жимиб, мушоҳада юритиб олдилар-да, кейин мўйомийлик билан жавоб қайтардилар: — Ҳамма нарсаяракка боғлиқ, болақонларим. Юракни яшатадиган нарсалар очик ҳаводаги меҳнат, ҳалол луқ-



Суратда: Тошхон момо Ҳожиалиева чевараси Дилноза билан.

## МММда

### РОМАН ТАҚДИМОТИ

Хотин-кизлар байрами арафасида танкиди адаби Саломат Вафо каламига мансуб «Тилсим салтанати» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимот маросимини олиб борган доцент Сайди Умиров ва сўзга чиққан ижодкорлар романининг кўнгил дунёсига насер орқали кириб борган ва ўзига хос услуб билан ёзилган асар эканлигини эътироф этишди. Шоира Вафо «Ушбу ўқувчи» газетасининг бош муҳаррири Раъно Зариповалар Саломат Вафо ва унинг янги асари баҳонасида Хоразм дёбири билан боғлиқ болалик хотираларини ёдга олган бўлсалар, Фарида Афруз томонидан ўқилган «Оварамиз» шеъри дарага янада фойз олиб кирди. Тақдимот маросими ҳақиқий байрам, яъни аёлларнинг мушоира кеча-си айланди, десак муболага бўлмайди. Зебо НАМОЗОВА

## Мулоҳаза

Меҳнат жамоаси ҳам бир оилдир. Унинг раҳбари нафарат иш унуми, интизом, режалар бажарилишини таъминлаш, молиявий ва меҳнат шарт-шароитлари ҳақида бош қотириш, балки жамоа аъзоларининг сиёсий онги, дунёқарши, билим ва тафаккур савияларини ўстириб бориш, юксак инсоний қадриятларга амал қилишларига эришиш учун ҳам маълум йўлларни кўриши, тарғиб-ташвиқ қилиши табиий. Бу тажрибани ҳам маълум маънода тушуниш, маълумлаш мумкин. Мақсад — муайян наشر кўпроқ оммавийлашсин, ўқувчилари кўپайсин. Ана шундай ихтиёрий-мажбурий обуна мавсумида бир раҳбарнинг ёндағи киши билан кўйидаги суҳбати қулоғимга чалинди. — Обуна бўлдиғизми, деб ҳоҳ-хоҳинга қўйишмади, — дедди у тақаббуруна жилмайиб. — Фалон газеталарга обуна қил, деб рўйхат беришди. Ҳаммасига уч ойлик обуна қилдим. — Халиям сиз яхши экансиз. Мен бир ойлик қилганман, — деди унга жавобан ҳамроҳи кўмуларга бахslashаётган лойғига ўхшаб. — Афсуски, бу тахлит мулоҳаза юри-тадиган раҳбарлар кам эмас. — Унингиз бир мушоҳада қилиб, 25 миллиондан кўпроқ ақоли истикомат қилдиган катта бир мамлакатда бори-йўй минг нуса «Шарқ олдузи», 1500 нуса «Ҳақон адабиёти», 3000 нуса «Ёшлик» журналлари, 4000 нусхадан

## РАҲБАРИНГИЗ ГАЗЕТА ЎҚИЙДИМИ?

каторда таъсисчи, муассис ҳам имкон қадар барча оммавий-ташкил қораларини қўриши, тарғиб-ташвиқ қилиши табиий. Бу тажрибани ҳам маълум маънода тушуниш, маълумлаш мумкин. Мақсад — муайян наشر кўпроқ оммавийлашсин, ўқувчилари кўпайсин. Ана шундай ихтиёрий-мажбурий обуна мавсумида бир раҳбарнинг ёндағи киши билан кўйидаги суҳбати қулоғимга чалинди. — Обуна бўлдиғизми, деб ҳоҳ-хоҳинга қўйишмади, — дедди у тақаббуруна жилмайиб. — Фалон газеталарга обуна қил, деб рўйхат беришди. Ҳаммасига уч ойлик обуна қилдим. — Халиям сиз яхши экансиз. Мен бир ойлик қилганман, — деди унга жавобан ҳамроҳи кўмуларга бахslashаётган лойғига ўхшаб. — Афсуски, бу тахлит мулоҳаза юри-тадиган раҳбарлар кам эмас. — Унингиз бир мушоҳада қилиб, 25 миллиондан кўпроқ ақоли истикомат қилдиган катта бир мамлакатда бори-йўй минг нуса «Шарқ олдузи», 1500 нуса «Ҳақон адабиёти», 3000 нуса «Ёшлик» журналлари, 4000 нусхадан

## Меҳр-мурувват

# ҒАФЛАТ УЙҚУСИ

КўнгиЛ  
Биринчи йигит ҳикояси: — Онам раҳматли чўчка ёғи қўшади, деб қолбаса емасдилар. Янги йил арафасида иш-хонамизда бир килодан қолбаса берилди. Мен ишдан қайт-гач, қозоғга ўроғлиқ қолбасани қўтигимга қистириб, тўғри ўз уйимга кириб кетдим-да, хотинимга бердим, сўнг онамнинг олдиларига чиқдим. Волидам равонда мени қузатиб ўтирган эканлар. «Ишдан эсон-омон келдингми?» дея ҳола-аҳвол сўраган бўдилар-да: — Қўтигимда нима олиб келдинг? — деб луқма ташлаб қолдилар. — Ҳа-а... анави, ишхонада қолбаса берганди. Сиз бир-бир емасиз деб, келиннгизга бердим, — дедим тутилиб-тутулиб. — Тўғри. Мен қолбаса емайман. Аммо мен — онаман. Қўчадан нима олиб келсанг, аввал менинг олдимга кириб, кейин унингиз киргин. Мен ўша олиб келган нарсангни олиб ҳам қўймайман, ёб ҳам қўймайман. Менинг ҳамма нарсам отарли. Фақат, кўнгиЛ. Ҳозир мана шу қолбасани турги менинг кузуримга обқириб, шунақа-шунақа, ишхонамизда берди, деганимда, мен қолбаса емайман, болаларимизга бер, дедим. КўнгиЛ-да кўнгиЛ... — Онам кўп ўймай вафот қилдилар. Орадан йиллар ўтди. Ҳозир кўчадан бир нарсая кўтариб келсам, онам равонда қузатиб тургандек бўлади. «КўнгиЛ-да кўнгиЛ» деган сўзлари қулоғим остидан кетмайди, қўзларим ёшга тулади... «Бу дунёда битта меҳрибон зот бор, у ҳам бўлса — онадир», деган нбора ёдимга тушаверади.

## АРМОН

Иккинчи йигит ҳикояси: — Ҳўкуматчи оиласида вояга етдим. Отам раҳматли мени пединститутга жойлаштириш учун кўп ёлиб-югурдилар. Институтга қабул қилинган кўнун ҳамкасбларига истироҳат бондида ош қилиб бердилар. Диплом қўлга текказ, мактабда ишладим, кўп ўймай директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб. Замон ўзгарди. Ҳамкасбларингиз айримлари мактабдан ташқарида пул топишга берилиб кетди. Дарсон апил-тапил ту-гатиб, бирор тилга бозорига, бирор ханон бозорига, бирор деҳқончиликка йўл олади. Уларнинг икки-уч қаватли йўллари, «Тико», «Нексия» машиналари пайдо бўлди. Аста-секин миямда «Нега мен, «завуқ» бўла туриб, эски «Запарожес» билан қолшим керак?» деган фикр чарх ура бошлади. Мен ҳам нима биландир шуғулланишим керак, деб ҳаёл суриб юрган кўнларимнинг бирда ҳамкасблардан биттаси: (Давоми 4-бетда)



**Дараклар**

**ПХЕНЬЯН ВАШИНГТОННИ ОГОХЛАНТИРАДИ**

Шимолий Корея ҳукумати АҚШ Пхеньянга нисбатан душманлик сийбасини ўзгартирма-са, ядро тадқиқотлари бўйича ўтказилаётган музокаралар ҳеч қандай самара бермаслигини маълум қилди.



Ушбу баёнот Пекинда АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Жанубий ва Шимолий Корея вакиллари иштирокида Пхеньян ядро дастури муҳокамасига бағишланган олти томонлама учрашув якунида билдирилди.

Поштахтида бўлиб ўтган музокаралар бу сафар ҳам самарасиз якулди. Шимолий Корея ҳукумати одатдагидек учрашувда билдирилган таклифларни инобатга олмади.

Олти томонлама мунозараларда катнашган Россия Ташкил шилар вазири ўринбосари А. Лосиков фикрича, Корея масаласи ақин орада ечим топиши кийин. Чунки Пхеньянинг ўзи можаро бартараф этилишини истамаётди.

**АХМАД ҚУРЯ БЛЭР БИЛАН УЧРАШДИ**

Фаластин Мухторияти Бош вазири Аҳмад Қуря Буюк Британия пойтахти Лондонга ташриф буорди.



Фаластин ҳукумати раҳбари ташриф давомида Британия Бош вазири Тони Блэр ва Ташкил шилар вазири Жек Струу билан учрашди. Икки томонлама музокара жараёнида асосий эътибор Яқин Шарқдаги вазиятга қаратилди.

Қуря, хусусан, Исроил томонидан қурилаётган мунофаа девори эндигина иликлаша бошлаган Фаластин Исроил муносабатига катта салбий таъсир кўрсатаётгани, агар девор қурилиши тўхтатилмаса, ихтилоф янада кучайиши мумкинлигини таъкидлади.

**ЛУИЗАХОНИМ ПРЕЗИДЕНТЛИК УЧУН КУРАШМОҚЧИ**

Жазоир тарихида биринчи марта мамлакат президентлиги учун курашда аёл номзод катнашадиган бўлди.

Саудия Арабистонида нашр этиладиган "Ал-Яум" газетаси хабарларига қараганда, Жазоир ишчилар партияси раҳбари Луиза Ханун 3 апрелда бўладиган сайловда катнашишга ҳозирлик қилмоқда. Ишчилар партияси етакчиси ҳозиргача сайловчиларнинг 92 миң индосини йиғишга муваффақ бўлган. Аслида мамлакат конунчилигига қўра, сайловда иштирок этиш учун энг камиди 17 миң имзо йиғиш талаб этилади. Куза-

тувчилар Луиза Ханун Жазоир президентлиги учун сайловда амалдаги раҳбар Абдулазиз Бутефликага қарши муносиб рақиб бўлишини айтишмоқда.

**АБРАМОВИЧ БОШИ УСТИДА ҚОРА БУЛУТЛАР**

Чукотка губернатори, машҳур миллиардер Роман Абрамович назорати остидаги "Сибнефть" компанияси 1 миллиард доллар бонлиққа ноқонуний эгалик қилмоқда.

Бу ҳақда Россия Солиқ ва йиғимлар вазирлиги маълум қилган. Вазирлик вакилининг билдиришича, Абрамовичга қарши компания 2000-2001-йиллар давомида 1 миллиард доллар қилмагандаги солиқларни тўлмаган ва реал даромадини яширишга уринган.

Айтиш керакки, бу миллиард еврога Россия Хисоб палатаси томонидан билдирилган айбловнинг маъноси давомидир. Экинчи бўлса, Хисоб палатаси 2003 йил якунида "Сибнефть" компанияси фаолиятини текшириб, бир қатор эътирозлар билдирган. Маълум бўлишича, "Сибнефть" компанияси катта имтиёзга эга бўлган офшор корхоналарига нефть ёқилсини арзон баҳода сотган. "Қора олтин"ни сув текинга олган фирмалар аса бир неча баробар юқори баҳода пуллаган. Бундай молиявий операциялар кўп бор тақдорланган ва Хисоб палатаси таҳминига қўра, 10 миллиард рубль ҳавога суворилган. Хозирда давлатдан яшириб қолingan пуллар қайтарилиши талаб этилмоқда Акс ҳолда...

**ГАИТИДА ИСПАН ЖУРНАЛИСТИ ҲАЛОҚ БЎЛДИ**

Гаити Республикаси пойтахти Порт-о-Пренсдаги тартибсизликлар пайтида испанлик журналист тележурналист Рикордо Артейра ҳалок бўлди.

Хабарларга қараганда, 37 ёшли журналист президент Аристид тарафдорларига қарши ўтказилаётган ҳаракатлар вақтида оғир жароҳатдан вафот этган. Бундан ташқари, яна 3 нафар фуқаро ҳалок бўлган, ўнлаб кишилар жароҳатланган. Шикастланган орасида АҚШ журналисти ҳам бор.

**БЕКХЭМ ЖОРЖ БУШДАН ЎЗИБ КЕТДИ**

Буюк Британияда ёшлар ўртасида энг идеал шахс номини аниқлаш мақсадида ижтимоий сўров ўтказилди.

Унда иштирок этган 16 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар сийбасини, ёзувчи, олим, актёр ва спортчилар орасидан ўз фаворитларини танлашди. Сўров натижалари кўпчилики таажубга солиши аниқ. Сабаби, дунёнинг энг машҳур президенти ҳисобланган Жорж Буш рейтинг жадалининг бор-йўғи 123-ўринни эгаллаган. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр эса энг идеал шахс сўровида 69-ўрин билан чекланган. Юқори ўринлар эса машҳур футболчи Давид Бекхэм (1-ўрин), актёр Брэд Питт (2-ўрин) ва мусиқачи Жастин Тимберлейнга (3-ўрин) насиб этган.

**Робита**

Айни вақтда "Ди-8" давлатлари ўртасидаги алоқалар кенгайиб бормоқда. Бироқ интеграция тараққиётини ягона йўли экани аён бўлиб қолган бир даврда ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳамкорлиги имконият даражасида олиб борилаётгани ҳам кўзга ташланмоқда. "Ди-8" давлатлари раҳбарларининг тўртинчи саммитида ҳам асосий эътибор айна шу масалага қаратилди.

Асли "Ди-8" гуруҳи 1997 йили Туркия ҳукумати ташаббуси билан мусулмон мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг фаровонлик даражасини кўтариш, иқтисодий, сийсий ва маданий алоқаларни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган эди. Эътиборли жиҳати, ташкилот аъзоси ва асосчиси Булган Туркия, Эрон, Покистон, Малайзия, Индонезия, Миср, Нигерия, Бангладеш каби 8 мамлакат сайёрамизнинг турли қитъалари вакиллари ҳисобланади. Низо ўрнига тинчлик, мустамлакачилик ўрнига ҳамкорлик, камситиш ўрнига тенглик ва эълм-ситам ўрнига халқ бошқаруви "Ди-8" гуруҳи фаолиятининг асосий тамойиллари саналади. Айтиш керакки, мазкур гуруҳга аъзо мамлакатлар катта иқтисодий потенциал ва юқори тараққиёт суръатига эга. "Ди-8" мамлакатларининг умумий аҳолиси 850 миллион кишидан ошади. Ушбу давлатлар ўртасидаги савдо айирбошлови 446 млрд. 700 миллион доллар ёки жаҳон савдо айланмасининг 7,2 фоизини ташкил этади.

Эронда ўтган саммитда савдо алоқаларини янада ривожлантириш, бунинг учун эса ҳамкор давлатлар бир-бирига имтиёз ва енгилликлар яратиш лозимлиги айтилди. Жорий ойдан бошлаб "Ди-8" гуруҳига раис этиб сайланган Эрон Ислоом Республикаси Президенти Муҳаммад Хатами учрашувда эътиборни табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масаласига қаратди. Маълумотларга қараганда, дунё нефть захиралари-

**"ДИ-8": ТЕНГ ВА КЕНГ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА**

нинг 13 фоизи, табиий газ захираларининг 28 фоизи "Ди-8" мамлакатларига тегишли. Табиийки, бундай имконият 8 давлатга ўзaro мувофиқ алоқалар орқали жаҳон бозорини эгаллаш йўлини очиб беради. Бундан ташқари, "Ди-8" мамлакатлари қулай жуғрофий жойлашув ва кўпмили-лини ишчи кучига эгаки, бу иқтисодий ишлаб чиқаришни ривожлантириш омилли ҳисобланади. Бироқ ҳозирча мавҳуд имкониятлардан ўрта даражада ҳам фойдаланилмаётган. Мисол учун, ташкилот умумий савдо айланмасининг деярли 90 фоизи (388 млрд. 900 миллион доллар) бор-йўғи 3 мамлакат — Эрон, Малайзия ва Туркия улушига тўғри келмоқда. Шу боис ҳам, саммитда халқаро савдо рақобатида юқори натижага эришиш учун саккиз мамлакатнинг муштарак бозорини шакллантириш зарурлиги кўп бор таъкидланди. Хусусан, Малайзия Ташкил шилар вазири Сайид Хомид Акбар ҳозирги шaroитда ташкилот тизимини қайта кўриб чиқиш ва ҳусусий сектор ролинни ошириш кераклигига ургу бериб шундай дейди: "Ривожланиб бораётган ишлом мамлакатлари қучли иқтисодий тизимлар яратиш орқали ўзларини жаҳон иқтисодий тизимидаги савдо алоқаларига тайёрлашлари керак".

Ҳамкорлик жараёнида кўринмоқдаки, ҳали ҳам иқтисодий алоқаларда мамлакатлараро тўсиқлар, чекловлар мавҳуд ва бу муштарак бозорини шакллантириш йўлига дов бўлмоқда. Бангладеш Ташкил шилар вазири Рибз Раҳмон ана шу муаммага тўхталди, аъзо мамлакатларни ўзaro бурч ва мажбуриятлари бажаришга чакирди. Туркия делегацияси вакили эса "Ди-8" гуруҳига аъзо ишлом мамлакатларида инвестиция ётқиизишни қўлайтириш ва ҳусусий секторни ривожлантиришга ургу берди. Нигерия ҳукумати раҳбарлари эса "Ди-8" трансконтинентал ташкилот экани ва ривожланаётган ишлом мамлакатлари нефтдан бошқа энержия ресурсларини ҳам ишга солишлари лозимлигини таъкидлашди.

Саммит шунингиде билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида келгуши алоқалар йўналиши белгилаб олинди ва ташкилот фаолиятига раҳбарлик Эрон ҳукуматига топширилди.

**Аньано**

**ЛИЛЬ — ЕВРОПАНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ**



Франция шимолида жойлашган қўна Лилль шаҳри Европанин 2004 йилдаги маданий пойтахти деб эълон қилинди. Аньанога қўра, Европа Иттифоқи томонидан ҳар йили маданий марказ танлаб олинди ва ўша шаҳарда йил давомида турли тадбирлар ўтказилади. Бу сафар Европанин қок марказида жойлашган Лилль метрополиси бунинг Иттифоқдан ташриф буорадиган меҳмонларга мезбонлик қилади.

Франциянинг шимолий бошкети саналган Лилль ривожланган транспорт тармоғига эга. Шаҳарга денгиз, ҳаво, темир йўли ва қуруқлик орқали келиш мумкин. Лилль аэропорти 1,5 миллион йўловчини қабул қилиш имконига эга ва бу ерда 50 йўналишда самолёт қатнови йўлга қўйилган. Йўловчиларни тез фурсатда манзилга етказиш борасида самолёт билан тежорлар поездлар бемалол бахslashа олади (Eurostar поездига ўтирган йўловчи 40 минутда Брюссель, 1 соатда Париж, бир соату 40 минутда Лондонга етиб олиши мумкин).

"Лилль-2004" дастури доирасида юзлаб маданий тадбирлар — кўргазмалар, театр, кино намойишлари, халқ томошалари, учрашув ва ижодий мулоқотлар бўлиб ўтади. Уларда ЕИнинг 15 мамлакатидан келган санъат ихлосмандлари иштирок этишади. Лилль аҳолиси ушбу йирк тадбирга узок вақт ҳозирлик қўрди. Ижодий учрашуларнинг асосий маркази бўлиши қўлайлаётган Опера театри беш йил давомида қайта таъмирланди. Театрнинг 1903 йили қурилган эски биноси янгилдан бунёд этилди. Таъмирлаш ишларига эз эмас, кўп эмас 17 миллион 520 миң евро сарфланди. Тарихий ва замонавий меъморчилик аънаналарини ўзида муҳассас этган театр биноси айни вақтда Европанин 150 шаҳарларида оқиб келаётган меҳмонларни ўз бағрига олмақда.

Айни вақтда Матисса, Рубе каби номийотда бой ва ноёб экспонатларга эга музейлар аллақачон меҳмонларга ўз эшикларини очган. Бундан ташқари, ўнлаб концерт ва кино заллари, театр бинолари, музавирлик, ҳайкалтарошлик кўргазмалари марказлари ҳам Европа ахлига мунтаазир. Томошаҳларда Моцарт мусиқалари, Гёте шеърлари, Шекспир пьесалари, Пикассо суратлари, португал тангоси, итальян балетлари, француз фильмлари, ирланд қўшиқлари намойиш этилмоқда. Европа иррик маданий байрамни тантана қилмоқда.

Материалларни Собиржон ЁҚУБОВ тайёрлади

**САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ**

(Боши 1-бетда)

Иккинчи омил сифатида омммавий аҳборот воситаларининг самарали тўғрисида кўп гапиришга ҳолат бўлмаса керак. Чунки жамиятнинг бирон-бир сийсий институт кишилар онига, тафаккури ва дунёқарашига, жамоатчилик фикрини у ёки бу томонга ўзгартиришга омммавий аҳборот воситаларининг қучли таъсир ўткази олмади. Норасмий бўлса-да, "тўртинчи ҳокимият" сифатида эътироз этилган ОАВ қабул қилинаётган қонунлар ва қарорларнинг ижроси, давлат ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи энг таъсирчан механизмдир. Лекин унинг рости айтганда булмас, бу механизм ҳали ўз салоҳияти даражасида ишламаяпти. Эркин миёнбар сифатида одамларнинг ҳаётига, меҳнат фаолиятига бевосита алоқадор бўлган қонун ва қарорларнинг қундалик турмушда қай даражада ишлаётганини фуқароларга ҳолисона етказиш ҳамда таҳлил этиб бериш, демократик қарариятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сийсий, иқтисодий ва ҳуқуқий онини шакллантириш, уларни эзгу ишларга қорлаш ОАВнинг асосий вазифаси бўлиб қолиши керак. Шунинг учун "тўртинчи ҳокимият"нинг ўзганини ташкил етувчи, жамиятга зарур аҳборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва етказиш билан бевосита шуғулланувчи журналистларни тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича республикамизда ҳам бир қатор ривожланган мамлакатларда бўлгани каби махсус олим мактаб очилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчи муҳим омил, шакл-шубҳасиз, мулкдорлар синфи шаклланиши ва ривожланишини исчилик қўлаб-қувватлаш билан боғлиқ. Чунки мулкка эга бўлган шахс, яъни мулкдор давлатда қандай қонунлар қабул қилинаётганига бефарқ эмас. У ўзида ҳуқуқий билимларни ошириш ва қонунларга итоат этиш руҳини тарбиялаб боради, энг асосийси, жамиятда ижтимоий-сийсий вазиятнинг барқарор бўлишини, самарали тизим фаолият кўрсатишини айнан мулкдор кўпроқ маънафатдордир.

Яна бир омил ҳақида алоқадор тўхталиб ўтиш лозим. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида" 1991 йил 31 августдаги Конституциявий қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат органлари тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимиятига бўлиши принциплари асосида қурилиши белгилаб қўйилган эди. Ушбу қонунда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциявийнинг 11-моддасида мутахассислик қўйилди, уларнинг "ўзаро бир-бирини кузатиш ва тийиб туриш" механизми яратилди. Айни ҳо-да ҳокимият ваколатларининг тақсимланшини таъминлаш билан келиб чиқиб, қонун чиқарувчи, ижро етувчи ва суд ҳокимиятининг амалда тенглигини янада тақомиллаштириш зарур. Тўғри, мустақилликнинг дастлабки йилларида қучли ижро ҳокимиятининг бошқаруви тизимини мустаҳкам ушлаб туриш, янгиликка го бўлувчи қучларнинг қаршиликчи онини, қарорлар ижросини таъминлаш мумкин эмасди. Жамиятнинг тараққиётини бугунги ривож эса ҳокимият барча тармоқларининг ўзаро тенглиги ва мутаносиблигини талаб этмоқда.

Маълумки, самарали тизимни яратишда сийсий партия ва жамоат ташкилотлари ҳам беқисс ўрин тутди. Лекин тан олиш керакки, мамлакатимиздаги аксарият сийсий партия ва жамоат ташкилотларининг бугунги фаолияти суст. Бундай шaroитда уларнинг бу вазифани ундадлашига қўзғиғиз етатишимиз?

Очиги, жуда ўринли савол бердингиз. Самарали бошқарув тизимини яратишда мазкур масалани оммиларнинг омили, дейиш мумкин. Негаки, сийсий партия ва жамоат ташкилотлари жамиятда ўзига хос мувозанатни белгилайди. Аммо мамлакатимиздаги сийсий партиялар ҳатто ижтимоий ҳаётнинг ва давлат турмушининг у ёки бу воқеаларига нисбатан ўз муносабатини расман билдиришда ҳам негадир суст ҳаракат қилмоқдалар. Жамиятнинг тараққиёт борасида муқоабил таклифларни бера олмаётганлар. Лекин бу аҳвол шундай экан, у билан мурося қилиб яшашдан бошқа илож йўқ, деган маънони анигламайди. Қалтакнинг мудоим иккинчи томонини булгани каби ҳар қандай ҳолатнинг ҳам акс ҳолати мавҳуд. Ёқин, сийсий партиялар гоъларни, ислохотчилик ҳаракатлари, уларнинг ижодий қуч-қудратидан фойдаланишини етук механизмларни яратишимиз даркор. Қузатган бўлсангиз, мамлакатимиздаги ҳар бир партиянинг дастурида жуда кўп принципал гоълар, башоратлар илгари яратилмаган. Натихада, гоълар ҳо қозғода қолиб кетмоқда. Бу эса талаб қилинмаган имконият — сустқашлик, ҳафсаласизликни келтириб чиқармоқда.

Лекин, ишончим комилки, жамиятимииздаги сийсий жараёнлар қучуқлашиб, фуқароларнинг сийсий-ҳуқуқий тафаккури юксалиб боргани сари, бу муаммолар ўз ечимини топади. Қолаверса, олдимизда жуда катта микёсдаги сийсий тадбир — икки палатали парламент ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар турибди. Бу тадбирлар ҳар бир партиянинг фикри, гоъ, ислохотчилик салоҳиятини юзага чиқаришга сабаб бўлиши, шубҳасиз. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мавҳуд сийсий партиянинг ҳар бири ўз мавқеига эга бўлса-да, турли ижтимоий қатламлар, сийсий қуч ва мақсадларни уйғулаштирувчи ягона гоъ — юрт тинчилиги, халқ манфаати ва Ватан равнақи бўлиб қолиши керак.

"HURRIYAT" мухбири СУХТАБЛАШИ

**Толқин**

**КАРЛ ПОППЕР ВА ПОППЕРИЗМ**

(4-мақола)

Ўз ишлари устидан ҳеч қим ҳақамлик қилмаслиги керак; мен ушбу вазифани ўқувчиларимга қолдираман.

Карл ПОППЕР "Очик жамият ва унинг душманлари" асариде шахс ақлу идрокки, эркин, ҳуқуқи ва ҳурфикрликлик қимми қилинади. К. Поппер ушбу қадриятларга энд ҳар қандай қарашни, тузумни, давлатни танқид қилишга тайёр. Ушбу ёндашувга қўра, у Фарб индивидуализмининг ёқин намояндаси сифатида келди. Бироқ файласуф индивидуализмнинг шахс "мен"нинг мутлақлаштириш эмас, балки у инсоннинг ақлига, маънавий қучига, ўз келажигини ўзи яратишига ишончидир. XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин юзага келган барча ижтимоий-фалсафий назарларда у ёки бу даражада К. Поппер таъсири бор.

К. Поппер шахс эркин, ақлу идрокки историзмдан кутқаришга интилади. Историцизм неғизиде ижтимоий воқеаларнинг заруриятини тарихий нукта назардан асослаш ва шу тарикда уларнинг келажигини баҳорат қилиш ётади. Баъри ортиб алоқадор келажикда ранг-оркага қайтишни ҳам олдидан айтиши мумкин. Масалан, Платон келажик, бахтли ҳаёт, етук давлат ибтидоий даврда, инсониятнинг баловатлардан ана шу давр тартибларига, бошқариш усулларига қайтиш орқали кутқариш мумкин, деб билди. Маркс эса тараққиётнинг олдинда, синфсиз жамиятга қўради. К. Поппер фикрига қўра, башорат ижтимоий-тарихий жараёнларни маълум бир қолинга, тартибларга, андозаларга солишга олиб келди, натижада кишиларда, ушбу қонунларни ўзлаштириб бўлмайдилар, улар баринбир, деган тушунарлар пайдо бўлади. Оқибатда кишилар ақлу идрокки мувофиқ ҳаётни ташкил этиш, бошқариш мумкинлигига ишонмай қўядилар. Шунинг учун файласуф ижтимоий-тарихий жараёнларни башорат қилиш ўрнига уларни ақлу идрокки мувофиқ рационал бошқариш гоъсини илгари суради.

Поппернинг рационал бошқариш жамиятшуносларнинг башорати, илмий бошқаришдан фарқ қилади. Поппер шахс идрокки ва манфаатларига мувофиқ бошқаришнинг назарда тутати, жамиятшунослар эса шахс ҳуқуқи ва манфаатларини умумий қонунлар ва етхтибларга сингдириб юборадилар. К. Поппернинг рационализи индивидуализмдан келиб чиқди, жамиятшуносларники — ҳамжамоалик, коллективизмдан. Биринчиси шахс ақлу идроккини улуғлайди, иккинчиси авторитар фикрга эргашади. Чунки авторитаризм шахс эркинлиги ўзига итоат этириш асосига қурилади. Шу боисдан ҳам К. Поппер коллективизмининг қабиличилик дари ҳаёт тарзи деб билди ва унинг кўринишларига қарши чиқди. У ҳар бир индивидни, шахсини тарихини яратувчи қучига айлантиришга интилади. Қандай жамият қуриш кишиларнинг ўзига, уларнинг ақлу идрокки, маъсулиятини ўз устларига олишларига боғлиқдир, деган фикр попперизмининг асосий гоъси ҳисобланади.

Шахсини таъкидот марказига қўйган заҳоти унинг давлат, гуруҳ, жамият билан алоқалари масалаларни қундаланг бўлади, чунки улар ўртасидаги муносабатлар ижтимоий-тарихий жараёнларнинг йўнали-

га яраша интилишлари, муаммолари бор, деб қабул қилишни, шу тарзда тафаккурий изланишларнинг ҳам тексизлигини тан олишни талаб этади. Демак, Маркснинг иқтисодий омиллари ҳам, Поппернинг ижтимоий-сийсий ислохотлари ҳам чекланмайдир. Ҳар бир жамият ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сийсий, ҳуқуқий, маънавий, руҳий, тарихий, маданий тараққиёт хусусиятларига эгаки, уларни кенг ҳисобга олгандагина очик жамият барпо этиш ҳақида фикр юриштиш мумкин. Шунда ҳам ушбу фикр сўнги ҳақиқат бўлмайди.

К. Поппернинг Гегелга муносабати ўза салбийдир. Ҳатто у "Буюк диалектик"нинг фуқаролик жамиятини таъкид этишга боб бағишладир. "Ҳуқуқ, бурч ва дин ҳақида таълим" деб аталган асари борлигини тилга ҳам олмайдилар. Тўғри, ушбу асари ҳам Гегелнинг маъҳум ва муҳим сўз уйинларига қурилган, унинг бошқа "дурдоналари"дан фарқ қилмайди. Асарнинг биринчи жумла-сида Гегель эълон қилади: "Ҳуқуқ тушунасиз аяқаларнинг интилишларига боғлиқ бўлган ва ҳокимлик хусусиятига эга қон сифатида факат фуқаролик жамиятида ҳақиқийликка эгадир." Биринчидан, бу ўринда "тушунасиз" деган сўз ортикча. Иккинчидан, ҳуқуқ "ақалар", яъни оддий кишиларнинг интилишларига боғлиқ эмас. Ҳа, қўлчи ҳуқуқ умумининг, яъни давлат, халқнинг иродаси, хошия ёки асллар даврониде амал қилиб келинаётган нормалар сифатида келгани боис, "ақалар" иродасига боғлиқ эмас. Бироқ ҳуқуқнинг ушбу хусусиятини мутлақлаштириш ёки, Гегель қилишидек, давлатнинг, монархнинг иродаси билангина боғлиқ қилиб қўйиш ҳам тўғри эмас. Чункинда, ҳуқуқ фуқаролик жамиятидаги "ҳақиқийликка эга"дир. Назардагилар илгари сураётган фуқаролик жамияти барпо қилинган бирор мамлакат борлиги хали тарихда маълум эмас. Бу ўринда Гегель Прусс монархисини ҳам назарда тутайдиганини унутмаслик керак. Ҳуш, ҳуқуқнинг "ҳуқуқийлиги" нима ўзи? Ҳуқуқнинг ноҳуқуқийлиги ҳам бори? Гегелнинг "Демократия катта бўлмаган давлатларда факат айни-маган ва оддий ҳуқуқда юзага келиши ҳамда сакланиши мумкин", "Бошқа давлат тузиллиларидан қўра, монархияда фуқаролар эркин кўпроқ ҳимоя қилинади" каби фикр-лар ва асосий сўзлари ҳам фикрнинг қалтигади. Шунинг учун ҳам Шопенгауэр ва Поппернинг Гегель фалсафаси ақли, идрокки қалтирилган энг қулай воситасидир, деган фикрларига қўшилмай бўлмайди.

К. Поппернинг сохта пайгамбарлар ҳақидаги қарашлари шахс ҳуқуқи ва ҳурфикрликлик қимми қилишга қаратилган. Кишилар ўша шахслар борлигини тан олган заҳоти ўз идрокки камситишга, буюкликка даявоғар шахсларнинг ҳоқорлигини қаршларини олохий қаромат, пуриқимат ҳақиқат деб қабул қилишга мажбур бўладилар. Шу тарикда авторитаризм, шахсга синглиш юзага келди, бу эса замонавий тоталитаризмининг кўринишларидир.

Ҳар бир сохтада ўз қасбини етук даражада ижро етатиш ва билдиган, бошқалардан улкан салоҳи-

ятти ва ишчанлиги билан фарқ қилдиган кишилар бўлади, шубҳасиз. Баъзан улар етуклик тимсоли каби қолганларга қандай яшаш ва нималарга интилиш мумкинлигини кўрсатиб турадилар. Маданият, санъат, адабиёт, техника, архитектура, дەرғли барча ижодий соҳаларда ўз қасбини мукамал етказган шахслар бўлиши табиийдир. Бироқ ижтимоий-сийсий соҳада, жамиятнинг бошқариш ва ўзгартиришда, келажикни барпо этишда бундай шахслар бўлиши шубҳалидир. Ҳа, ижтимоий ҳаётнинг айрим йўналишларини тўғри башорат қилган ёки белгилаб берган талантли сийбаситчулар, давлат арбоблари, жамиятшунослар бўлиши мумкин, аммо бутун ижтимоий-тарихий тараққиётини қамраб олган ва уни тўғри башорат қилган назариялар ҳам, назарийчилик ҳам бўлган эмас. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Шундай таълимот ёки шахс пайдо бўлган заҳоти илм-фан, ижодий изланишларга, авлодларнинг нима-лариндир истаб ва нималариндир яратиб яшашига ҳолат қолмайди, чунки инсониятнинг, жамиятнинг қарга бориши маълум бўлиб қолмайди. Айрим олган шахс ўз ижодидо-ларининг эртага, бир ойдан кейин қандай натижаларга олиб келишини билиши ёки уларни таҳмин қилиши мумкин ва фойдаландир, лекин турли, гоҳо қарам-қарши мақсадларга эга ижтимоий уюшмаларнинг, жамиятларнинг қарга бориши тўғри башорат қилиш амри маҳолдир. Шу нукта назардан ҳам К. Поппер "Тарих ўз моҳиятига эга эмас", "Инсониятнинг ягона тарихи йўқ", деб ётади. Минг ваҳки, кишилар "буюк шахслар"ни яратиш оdatидан воз кечадиганга ўхшамайдилар. Энг ҳавфли томони шундайки, ижтимоий ўзгаришларга, инсон ҳуқуқларини таъминлашга масъулдор томон турли йўллар билан "буюк шахс"ни яратишга, у орқали кишиларнинг мустақил изланишини, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларини, керак бўлса, ҳукуматни алмаштириш ҳуқуқларини чеклашга, ҳатто йўққа қаршиштиришга интилади. Оми ки

